



Тайёрлаган: Машъал Магрибий

Бисмиллахир рохманир рохийм

(Аллохнинг сизга нисбатан қилган ҳақидан ва сизнинг Аллох билан қилган ҳақидан ҳақини сизга қайтариш ва сизнинг Аллох билан қилган ҳақини Аллох билан қайтариш)
(Аллохнинг сизга нисбатан қилган ҳақидан ва сизнинг Аллох билан қилган ҳақини сизга қайтариш ва сизнинг Аллох билан қилган ҳақини Аллох билан қайтариш)
21:(Аллохнинг сизга нисбатан қилган ҳақидан ва сизнинг Аллох билан қилган ҳақини сизга қайтариш ва сизнинг Аллох билан қилган ҳақини Аллох билан қайтариш))

«У (Аллох) нинг мўъжизаларидан бири - сизлар учун ўзингиздан хотиржам бўлишингиз учун жуфтингизни яратиши ва ўртангизда мухаббат ва раҳматни килиб кўйишидир» (Рум: 21)- деб айтган Аллох таъолога хамду санолар, **«Севимли ва тугадиган аёлларга уйланишлар! Чунки мен сизларнинг кўплигингиз билан киёмат куни пайгамбарларга фахрланаман»-** деб айтган пайгамбаримизга салавоту саломлар бўлсин.

Уйланмокчи ва оиласига ковушмокчи бўлган эркак учун килиши керак бўлган баъзи ишлар бор, улар куйидагича:

Биринчи: Одоблар

Кўлини келиннинг пешонасига кўйиб, хаккига дуо килиш.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Агар биронтангиз уйланса ёки хизматкор сотиб олса, куйидагича дуо килсин: «Эй Аллох! Мен Сендан унинг ва унга табиат килиб берган нарсангнинг яхшилигини сўрайман. Унинг ва унга табиат килиб берган нарсангнинг ёмонлигидан панох беришингни сўрайман».** (Имом Бухорий ривояти).



Ислом Нури

Икковларининг бирга икки ракаат намоз ўқишлари, мустахабдир.

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху ривоят қилади: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Хотин эрининг олдида кирганида, эр ўрнидан туради. Хотин унинг орқасида туриб, (биргаллашиб) икки ракаат намоз ўқийдилар. (Намоздан сўнг эр): «Илохим, оиламдан менга, мендан оиламга барака ато эт! Илохим, уларни мендан, мени улардан ризклантир! Илохим, ўртамизни, модомики, бирлаштирар экансан, яхшилик билан бирлаштир, ўртамизни ажратган пайтингда яхшилик билан ажрат!»- дейди»»** (Табароний ривояти, Албоний бу хадисни «сахих» деди).

Жимовъ пайтидаги ният

Келин билан куёв жинсий яқинлик қилаётганларида, бу алоқадан мақсад ўзларини харом ишлардан саклаш эканини, ният қилишлари керак. Агар шундай қилсалар, қовушишлари уларга садақа бўлиб ёзилади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Сизларнинг бирингизнинг (аёли билан қилган) жимосида ҳам садақа бор»**- дедилар. Сахобалар: «Бизлардан биримиз шахватини қондирса ҳам савоб бўладими?!»- деб савол бердилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Агар у шахватини харом йўл билан қондирса гуноҳ бўлардими?»**- деб савол тарикасида жавоб берганларида, сахобалар: «Ха»- деб жавоб бердилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Шунга ўхшаш, «уни» халол йўл билан қондирса, савоб бўлади»**- дедилар (Имом Муслим ривояти).

Хотини билан қовушиш олдидан дуо қилиш



Ислом Нури

Эр хотини билан ковушишдан аввал ушбу дуони килиши керак:

(Бисмиллаҳ аллоҳумма жаннабишнаш-шайтон ва жаннабиш-шайтона мо разактанаа) .

«Бисмиллаҳ, аллоҳумма жаннабишнаш-шайтон, ва жаннабиш-шайтона мо разактанаа»

«Бисмиллаҳ.. (Аллоҳ номи билан) Илоҳим, бизни Шайтондан, Шайтонни бизга ризк килиб берадиганинг (фарзанд)дан узок кил!». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ўрталарида Аллоҳ (фарзанд бўлишига) ҳукм килган бўлса, Шайтон унга ҳеч ҳам якинлаша олмайди»- дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ковушиш учун таъкикланган ўрин ва вақтлардан узок бўлиш

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Хайз кони кўраётган аёлга, хотиннинг орка пешобига жинсий алоқа килган ёки фолбинга бориб, фолбин айтган сўзларни тасдиқлаган кимса Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳи ва саллам)га нозил килинган динга кофир бўлибди»** («Сунан» китобларининг тўртталасининг муаллифлари ва Насоий ривоят килдилар. Албоний бу ҳадисни «сахих» деди).

Ковушгандан сўнг таҳорат ёки гусл килиб ухлаш. Гусл килиб ухлаш яхшидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Уч кимсага фаришталар якинлашмас: кофирнинг ўлиги, огзидан сассик хид келган ва жунуб (гусл килиши керак бўлган одам). Агар жунуб таҳорат килса (фаришта якинлашиши мумкин)»** (Абу



Ислом Нури

Довуд ривояти. Албоний бу хадисни «хасан» деди).

Хайз кўрган аёлдан фойдаланиш халол бўлган нарсалар.

Хайз кўрган аёлга жинсий алоқа килишдан бошқа барча нарсалар халолдир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Жимомдан бошқа барча нарсаларни килаверинглар»**- дедилар (Имом Муслим ривояти).

Агар хайз кони тўхтаб, аёл гусл килса, унга ковушиш мумкин бўлади.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Киёмат куни Аллох хузуридаги энг бадбахт одам, хотини билан ковушган ва ўзининг (кўрпа) сирларини очиб ташлаган эркакдир»** (Имом Муслим ривояти).

Валима (зиёфат) килиб бериш - вожибдир

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Абдуррахмон ибн Авф разияллоху анхуга: **«Бир кўйни сўйиб бўлса-да, зиёфат килиб бер!»**- дедилар (Имом Муслим ва Имом Бухорий ривоятлари).

Уйланиш зиёфатига килинган даъватни қабул килиш - вожибдир

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Сизлардан бирингиз уйланиш ёки бошқа бир зиёфатга чакирилса, келсин. (Бундай даъватга) ижобат килмаган одам, Аллох ва расулига осий бўлибди»**^[1] (Имом Бухорий ривояти).

Келин-куёв хаккига дуо килиш - мустахабдир



Ислом Нури

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бирор киши уйланса: **«Аллох сизга бу никохни баракотли этсин. Аллох сизга баракотлар ёгдирсин ва иккингиз ўртангизни яхшилиқда жамласин.** (бошка бир ривоятда эса: **«яхшилиқка бирлаштирсин»**)»- дер эдилар (Хоким: «Бу хадис имом Муслимнинг шартига кўра сахихдир»- деди).

Келин-куёвларни: «Сизларга бахт-саодат ва кўп болалар тилаймиз»- деб табриклаш жоиз эмас. Чунки бу жоҳилият табрикларидан бўлиб, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам буни таъкиклаганлар.

Хотин-кизларнинг дуф (шилдирик халкачалари бўлмаган чилдирма каби нарса) чалиб, ёр-ёр айтишлари

Уйланиш йигинларида хотин-кизларга никох эълони учун дуф чалишлари ҳамда гўзаллик ва фиску фуҷурни ифодаламаган ва шариатда рухсат берилган ашулаларни айтишларига рухсат берилади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Халол билан харом ўртасини ажратувчи нарса - дуф ва никохни эълон қилишдир»**- дедилар (Насойй ривояти. Имом Термизий: «Бу хадиснинг ривоят силсиласи соғлом-сахихдир»- деди).

Яъни, кўшиқ билан факатгина дуф чалиш эркакларга эмас, хотинларгагина хосдир. Кўшиқнинг хаёсиз кўшиқларнинг қуйлари ва сўзлари билан бўлиши харомдир.

Иккинчи: Гуноҳлар

Никох узугини тақиш

Албоний раҳимахуллох «Уйланиш одоби» номли китобида никох



Ислом Нури

узугини такиш кофирларга таклид эканини ёзди. Чунки бу, насоро (христиан) лар хаётида узок асрлардан буён одат бўлиб келган. Насроний куёв никоҳ пайтида келиннинг чап кўлининг бош бармогининг учига узукни такар экан: «Отанинг номи билан»- дейди. Кейин узукни чикариб, келиннинг кўрсаткич бармогининг учига такар экан: «Ўгилнинг номи билан»- дейди. Кейин узукни ўрта бармоқ учига такар экан: «Рухул-Кудс номи билан»- дейди. «Амиин» деганидан сўнгра эса, узукни келиннинг синчалогига такиб кўяди.

Ким бир кавмга ўхшаса, бас, у улардан биридир.

Исроф ва кибр

Канча-канча инсонлар килган тўйлари ортидан фахрланиш ва кўнгил очиш учун беҳисоб огирликларни кўтардилар. Уларнинг баъзилари:

- 1) Таклифномалар ва улардаги исроф;
- 2) Тўйлари ўтказиш учун ресторан ва кафеларни, кирага олиш.
- 3) Келин ва куёвнинг битта кийимни, бир марта кийиш учун, катта-катта пулларни, бировлар кўрсин ва эшитсин дея, сарф этишлари;

Хозирланган таомларда исрофга йўл кўйиш ва уларни ахлат идишларига ташлаш

Чунки бу таомлар одамларни сийлаш учун эмас, балки, кибр ва кўз-кўз учун тайёрлангандир.

Мусулмонларнинг кўплари очликдан ўлаётган бир пайтда, пулларни «киздириш» номи билан машшок-отарчиларнинг оёқлари остига отиш.



Ислом Нури

Аёлларнинг кийимларидаги исроф ва бу исроф учун сарф килинаётган катта маблаглар.

Аёлларнинг ўзлари ҳам бу кийимларнинг кўпларини бирор марта кийб кўймайдилар.

Биз бу исрофларни килаётган одамларга: **«Бас етар! Сизни ҳисоб-китоб килишларидан аввал ўзингизни ҳисоб-китоб килинглар!»**- деб айтамыз. Чунки расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Киёмат куни одам фарзандининг оёқлари беш нарсадан сўралмай туриб ўрнидан кимирламайди ... молини каердан топиб, каерга сарф қилганидан»**- дедилар (Имом Термизий ривояти. Албоний раҳимахуллох бу ҳадисни «сахих» деди).

Учинчи: Кўшик

Кўшик айтиш куйидаги далилларга кўра харомдир:

Куръон Каримдан далиллар:

(... (6) ... 7:...) (...)

Маъноси: **«Одамлар орасида шунака кимсалар борки, улар жохиллик билан одамларни Аллохнинг йўлидан адаштириш ва Аллохнинг йўлини масхара қилиш учун лахвул-ҳадисни сотиб оладилар. Мана шундай кимсаларга Киёмат кунида жаханнамнинг хор қилгувчи азоблари бор. Агар уларга**



Ислом Нури

оятларимиз тиловат килинса, эшитмагандек, кулогига огирлик бордек, юз ўгирадилар. Уларга аламли кийноқлардан хабар беринг!» (Лукмон: 6, 7).

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху ушбу оят (да зикр килинган «беҳуда сўз») хакида: **«Ундан бошқа илох бўлмаган зот номига онт ичиб айтаманки, у - кўшиқдир»**- деди.

Абдуллох ибн Аббос, Жобир ва Икрима ҳам шундай дедилар.

Суннатдан далиллар:

Абу Омир Ашъарий разияллоху анху расулуллох солаллоху алайхи ва салламдан куйидаги сўзларни эшитганини айтди: **«Умматим ичидан зино, ипак, маст килувчи нарсалар ва чолгу асбобларини халол деб ҳисоблайдиган одамлар чиқадилар. Бир канча кавмлар тоғ этакларига жойлашадилар, подачи уларнинг хайвонларини яйловдан кайтариб келади, шунда бир факир уларнинг хузурларига бир эҳтиёжи учун келади. Улар эса: «Эртага кел!»- деб айтадилар. Аллох уларга кечаси бало юборади, тоғни уларнинг устларига кулатади, (улардан халок бўлмай) колганларни киёмат кунига қадар маймун ва чўчкаларга айлантириб юборади».**

«Улар халол деб ҳисоблайдилар» жумласининг маъноси, у нарсаларнинг харом эканидир. Чолгу асбоблари дуф ва бундан бошқа «Комус» ларда баён килинган чолгу асбобларидир.

Расулуллох солаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Аллох таъоло арок, кимор, дўмбирани харом қилди. Маст килувчи барча**



Ислом Нури

нарса харомдир» (Абу Довуд ривояти. Албоний раҳимахуллох бу хадисни «сахих» деди).

Саҳобаларнинг сўзларидан далиллар

Абдуллох ибн Аббос разияллоху анху: **«Дуф харомдир, чолгу асбоблари харомдир, дўмбира харомдир ва сурнай харомдир»**- деди (Байхакий ривояти. Албоний бу хадисни «сахих» деди).

Тобеиларнинг сўзларидан далиллар

Хасан Басрий раҳимахуллох: **«Дуф (чилдирма чалиш) мусулмонлар ишидан эмас. Абдуллох (ибн Масъуд) нинг дўстлари уни йиртиб ташлар эдилар»**- деди.

Албоний раҳимахуллох ўзининг «Муסיка асбобларининг харомлиги» номли китобида **тўрт мазҳаб имомларининг барчаси муסיка асбобларини харом қилганларини** баён қилган.

Тўртинчи: Уйланиш валимаси-зиёфатиға, гуноҳ ишлар бўлаётган бўлса, бормаслик

Алий ибн Абу Толиб разияллоху анху деди: «Таом хозирлатиб, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни таклиф қилдим. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам келиб, уйдаги суратларни кўрдилар-да, орқаларига қайтдилар. Мен: «Ё расуллох, ота-онам сизга фидо бўлсин, нега қайтдингиз?»- деб сўрадим. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Уйдаги пардада суратлар бор экан. Фаришталар суратлар бўлган уйга кирмайдилар»**- деб жавоб бердилар» (Ибн Можжа соғлом ривоят силсиласи билан ривоят қилди).



Ислом Нури

Уламолар бу хадисдан гуноҳ бўлган ерга чакирилса, ижобат килинмайди»- деб ижтиҳод килдилар.

Имом Авзой раҳимахуллох: **«Биз дўмбира ва арфа (чолгу асбоби) бўлган валима-зиёфатларга кирмаймиз»**- деди.

Бешинчи: Соколни кириш

Сокол кириш – кўплаб эркаклар мубтало бўлган «касаллик» бўлиб колди. Хатто, баъзи одамлар келин хузурига сокол билан киришни айб деб хисоблай бошладилар. Натижада, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг: «Мушрикларга хилоф килинлар: соколларни ўстиринлар ва мўйлабларни кискартилар!» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари)- деб айтган фармонларига хилоф ўларок безанмоқдалар. Хадисдаги фармон фарзни ифодалаб, унда фарзликдан тўсадиган бирон бир сабаб йўқ. Соколни кириш харомдир. Уни кирган одам гуноҳкордир. Уламоларимиз шунга фатво берганлар. Чунки бунда кофирлар ва хотин-кизларга ўхшашлик ҳамда расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг амрларига хилофлик бор.

Олтинчи: Аёллардан содир бўлаётган гуноҳлар

Кош териш

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам куйидаги сўзлари билан кош теришни харом килиб, кош терган кимсани лаънат килдилар: **«Аллох таъоло тери остига ранг ўтказиб баданга накшлар солган ва солдирган, зония, чаккаларидаги тукларни юлган ва юлдирган, гўзаллик учун тиш ораларини очган ва Аллохнинг яратишини ўзгартган хотин-кизларни лаънат килди»** (Имом Бухорий ва имом



Ислом Нури

Муслим ривоятлари).

Аллохнинг яратишини гўзаллик учун ўзгартган барча одам, бу ҳукм остига киради.

Сочни калта килиш.

Сочни калта килиш уч турлидир:

Биринчи: Агар соч эркакларнинг сочлари каби бўлса, бу – катта гуноҳларнинг каттарогидан биридир. Чунки расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам (ҳаракат ва кўринишларида) эркакларга ўхшаган аёлларни лаънатлаб дедилар: **«Уч тоифа одам жаннатга кирмайди ва уларга Аллох таъоло карамайди ҳам: ота-онасига ок бўлган, эркакларга ўхшаган аёл ва даюс»** (Насойй ва хоким ривояти. Хоким: «Бу ҳадиснинг ривоят силсиласи соғлом-сахих»- деди).

Иккинчи: Агар аёлнинг сочи эркаклар сочи кадар бўлмаса, имом Ахмаднинг сўзларига кўра макруҳдир.

Учунчи: Агар аёл сочини кофир аёлларнинг соч кискартиришига ўхшаш кискартирса, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг куйидаги сўзларига биноан харомдир: **«Ким бир халкка ўхшаса, бас, у улардан биридир»** (Имом Ахмад ва Абу Довуд ривояти. Албоний раҳимахуллох бу ҳадисни «сахих»- деди).

Хаёсиз кийимларни кийиш ва улар билан фахрланиб, шухрат топишни мақсад килиш

Хаёсиз кийимлар – ё торлиги, ёки кўкраклар ва болдирларни очиб турадиган одатдан ташкари тарздаги кийимлардир. Унутмайликки, бу



Ислом Нури

кийимларни хотин-кизлар олдида ҳам кийиш гуноҳдир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бу ва бу каби хотин кизлар хакида шундай дедилар: **«Жаханнамга тушадиган икки тоифа борки, мен уларни кўрмадим: кўлларида сигирнинг куйруги каби камчилари бўлган ва бу камчилар билан одамларни урувчи одамлар ҳамда ярим ялангоч, бошкаларни жалб киладиган, бошларини эгилган ўркач каби эгиб юрадиган хотин-кизлар. Улар жаннатга кирмайдилар. Хатто хиди узок-узоклардан келиб турса-да, жаннатнинг хидини ҳам хидлай олмайдилар»** (Имом Муслим ривояти).

Яъни, уларнинг эгнида кийим бўлади, биров, у ё калталиги, ё шаффофлиги ва ёки торлиги сабабли баданнинг барча ерини тўса олмайди.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Бу дунёда шухрат кийимини кийган одамга Аллох таъоло киёмат кунида хорлик кийимини кийдиради ва у билан ёкиб юборади»**- дедилар (Абу Довуд ва ибн Можжа ривояти. Албоний рахимахуллох бу хадисни «хасан»-яхши, деди).

Атир кўйиб хушбўйланиш

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Хушбўйланиб, хидини билишлари учун одамлар олдидан ўтган аёл- зониядир»**- дедилар (Имом Термизий ривоят килди ва: «Бу хадис хасан-сахих деди).

Суратга олиш

